



ИЛГАРИ СУДЛАНГАН ШАХСЛАРНИНГ ТАСНИФЛАНИШИ ВА УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Адхамов Зафар Акбарович

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
Академияси Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти
кафедраси ўқитувчиси, (ORCID-0009-0004-0961-3708)

zafaradxamov886@gmail.uz

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15462858>

ARTICLE INFO

Received: 5 th May 2025

Accepted: 10th May 2025

Published: 19th May 2025

KEYWORDS

илгари судланган шахс,
муқаддам судланган шахс,
маъмурий назорат,
профилактиканинг чора-
тадбирлари, шахснинг ижтимоий
мослашуви, ижтимоий қатлам,
жиноятларни барвақт олдини
олиш.

ABSTRACT

Ушбу мақолада илгари судланган шахслар билан профилактик тадбирларни ташкил этиш, улар томонидан қайта жиноят содир этилишининг олдини олиш фаолиятини ташкил этиш ва уни такомиллаштиришга доир долзарб масалалар таҳлил қилинган, ички ишлар органларининг ушбу соҳани ривожлантиришга доир таклифлар берилганлиги ҳақида сўз юритилади.

Жиноятчиликка қарши курашнинг самарали усуллари билан бири — жиноят содир этиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларни аниқлаш ва улар билан мақсадли профилактика ишларини олиб боришдир. Илгари судланган шахслар айнан шундай тоифага киради. Судланганлик — шахснинг ҳуқуқий мақомини, ижтимоий муносабатларини, хатти-ҳаракатини белгилаб берадиган омил сифатида ўта муҳим. Ушбу мақолада илгари судланган шахслар кимлар эканлиги, уларнинг турлари, ҳуқуқий мақоми, шунингдек, улар билан ишлашда қўлланиладиган чора-тадбирлар, хорижий ва миллий тажриба асосида таҳлил қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёевнинг таъбири билан айтганда, “халқимиз Яратгандан, аввало, тинчлик-хотиржамликни сўрайди. Шундан сўнг, ўз уйим, бошпанам бўлса, оилам, бола-чақам билан соғ-саломат яшасам, дейди. Биз халқимизнинг ана шундай орзу-ниятларини рўёбга чиқариш учун иккита масалага, яъни ички ишлар ва соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга катта эътибор қаратаёلمиз”¹, - деб таъкидлаб, тинчлик ва осойишталик халқимиз учун энг улуғ қадриятлардан бири эканлигини кўрсатиб ўтди.

Статистик маълумотларга кўра, Республика бўйича 2024 йилда

22925 нафар илгари судланган шахслар ҳисобда туриб, илгари судланганлар томонидан 2023 йил давомида жами 8393 та жиноятлар содир этилган бўлса, 2024 йилда 8376 та жиноятлар содир этилган бўлиб, жиноятчилик ўтган йилга нисбатан камайган бўлсада, аёллар томонидан содир этилган жиноятлар

17,1 фоизга, ёшлар (18-30 ёш) томонидан 31,4 фоизга, профилактик ҳисобда турган илгари судланган шахслар томонидан 9,5 фоизга, маъмурий назоратда турган шахслар

¹ Шавкат Мирзиёев томонидан Конституциянинг 25 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ шахсларга турли унвонлар, орден ва медалларни ўз эгаларига топшириш маросида сўзлаган нутқи// Халқ сўзи. – 2017. – 7 дек.

томонидан 17,0 фоизга ошганлиги бугунги кунда илгари судланган шахслар билан олиб борилаётган профилактик тадбирларнинг қанчалик самарасиз ташкил этилаётганлигидан далолат бериб турибди. Эътибор бериладиган бўлса, 2023 йилда илгари судланган шахслар сони

19860 нафардан 22925 нафарга ёки 13,3 фоизга ошган бўлиб, айрим тоифадаги шахслар томонидан содир этилган жиноятлар эса ошиб кетишига йўл қўйилган.

Юқорида келтирилган рақамларнинг ўзи мавзунинг қанчалик муҳимлиги ҳамда ушбу муаммога илмий, назарий жиҳатдан ёндашиши қанчалар объектив зарурат эканлигини кўрсатиб турибди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 77-моддасига кўра “Судланганлик шахснинг содир этган жинояти учун ҳукм этилганлигидан келиб чиқадиган ҳуқуқий ҳолатдир. Жазо тайинланган айблов ҳукми қонуний кучга кирган кундан бошлаб шахс судланган деб ҳисобланади. Суд томонидан жазодан озод қилинган шахс судланмаган деб ҳисобланади. Судланганлик муддатининг ўтиб кетганлиги ёки судланганликнинг олиб ташланиши муносабати билан унинг барча ҳуқуқий оқибатлари бекор бўлади. Жазони ўтаган, аммо қонуннинг ўзгариши билан бундай қилмиш жиноят деб ҳисобланмайдиган тақдирда, шунингдек содир қилинган жиноят учун тайинланган жазони ўтаб бўлиниши билан судланганлик тугалланиши белгиланган бўлса, шахс судланмаган деб ҳисобланади.”

Шахс Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг махсус қисми моддасида назарда тутилган жиноят таркибининг барча белгилари мавжуд бўлган ижтимоий хавfli қилмишни содир этганликда айбдор, деб топилиб, айблов ҳукми эълон қилинганидан сўнг судланган деб ҳисобланади. Аммо ҳукм қилишнинг ҳар қандай факти ҳам судланганликни келтириб чиқармайди².

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида судланганлик тушунчаси аниқ ифода этилмаган бўлса-да, у кўпгина моддаларда шахснинг ҳуқуқий ҳолатини белгилайдиган омил сифатида намоён бўлади. Судланганлик фақат ҳуқуқий ҳолат эмас, балки ижтимоий психологик жиҳатдан ҳам таъсир кўрсатади. М.В. Лунёв таъкидлаганидек, “Судланганлик фақатгина жазонинг изи бўлиб қолмай, балки шахснинг ижтимоий ролини қайта шакллантиради”³.

Илгари судланган шахслар турлича мезонлар асосида таснифланиши мумкин:

а) Судланганликнинг тугалланганлигига кўра:

- судланганлиги сақланиб турганлар (ЖК 77-модда);
- судланганлиги олиб ташланганлар (реабилитация қилинганлар);

б) Судланганликнинг такрорлигига кўра:

- бир марта судланганлар;
- бир неча бор судланганлар (рецидивистлар);

в) Судланганликнинг тури бўйича:

- оғир жиноятлар учун судланганлар;
- ўртача ва енгил жиноятлар учун судланганлар;

г) Жазони ўташ шаклига кўра:

- озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ;
- озодликни чеклаш, жарима ва бошқа жазо турлари билан боғлиқ.

Бундай таснифлаш илгари судланган шахслар билан ишлашда индивидуал ёндашувни таъминлашга хизмат қилади. Б.В. Здравомыслов таъкидлаганидек, “Рецидив

² Ўзбекистон Республикасининг жиноят кодексида шарҳлар, умумий қисм. М.Х.Рустамбаев. Тошкент. “Yuridik amaliyotlar publish” 2021 й. 695-бет

³ Лунёв М.В. Курс советской криминологии. — М.: Юрид. лит., 1976. — С. 110.

жиноятчиликнинг олдини олиш учун шахснинг индивидуал хусусиятларини чуқур ўрганиш зарур”⁴.

Илгари судланган шахсларнинг ҳуқуқий мақоми ва уларга нисбатан қўлланиладиган чоралар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида судланган шахслар учун бир қатор чекловлар мавжуд, жумладан:

- Давлат хизматига қабул қилинишида;
- Лицензия талаб этиладиган фаолият турларида ишлашда;
- Хорижга чиқиш ҳуқуқида.

Бироқ судланганликни абадий “ярлик”⁵ сифатида қабул қилиш нотўғри. Судланганликни бартараф этиш (реабилитация, авф, судланганликни олиб ташлаш) орқали шахснинг ижтимоий мослашуви таъминланиши мумкин.

Америкалик криминолог Говард Беккер (Howard Becker) ўзининг “лейблинг теорияси”да шуни таъкидлайди: “Жамият кимни “жиноятчи” деб белгиласа, айнан шу ярлик инсонни яна жиноят қилишга мажбур қилиши мумкин”⁶.

АҚШ ва Буюк Британияда “reentry programs” деб номланган дастурлар орқали судланган шахсларни жамиятга қайта мослаштиришга катта эътибор қаратилади. Масалан, “Second Chance Act” (Иккинчи имконият тўғрисидаги қонун) асосида АҚШда махсус грантлар ажратилиб, маҳкумлар учун меҳнат бозорида қайта жойлашиш, психологик ва ижтимоий ёрдам кўрсатишга йўналтирилган ишлар олиб борилади⁷.

Германияда эса “Bewährungshilfe” (пробация хизмати) орқали судланган шахсларга қайта жиноят содир этиш эҳтимолини камайтиришга қаратилган индивидуал профилактика ишлар олиб борилади⁸.

Илгари судланган шахсларда рецидив эҳтимоли юқори бўлади. Улар кўпинча қонунга итоатсизлик, ижтимоий норозилик, низоли вазиятларга мойиллик каби хусусиятларга эга. Лекин бундай хулосаларни шахснинг индивидуал хоссаларини ҳисобга олмасдан умумлаштириш ҳам хато бўлади. С.А. Муромцев ёзганидек, “Судланган шахс – доимий жиноятчи эмас, балки жамиятга қайтиш учун имконият берилган инсондир”⁹.

Кишилик жамиятида ижтимоий хавфли қилмишлар содир этилган дастлабки даврларданок уларнинг олдини олишга қаратилган одат нормалари билан бирга илк таълимотлар ҳам шаклланган. Такрорий жиноят (ҳуқуқбузарлик) содир этганлик учун янада оғирроқ жазо тайинланиши белгиланган. Бу эса ўзида ҳуқуқбузарликлар профилактикасида қўлланиладиган “мажбурлаш” усули хусусиятини ўзида акс эттиради.¹⁰

Бугунги кунда рецидив жиноятчиликнинг ижтимоий ҳавфи қуйидагиларда намоён бўлмоқдаки, айнан, шу турдаги жиноятлар содир этган ва мойил бўлган илгари судланган шахслар билан профилактика ишларини такомиллаштиришни тақазо этади:

а) жиноятчиликнинг таркибида ўта хавфли ва мураккаб янги турларининг борган сари пайдо бўлаётганлиги;

⁴ Здравомыслов Б.В. Социология личности. — М.: Наука, 1982. — С. 195.

⁵ «Ярлик» — бу инсонга тегилган узоқ муддатли манфий ном, ундан халос бўлиш қийин. Илмий мақолада айтиляптики, ҳар бир судланган шахсни, айниқса жазосини ўтаб чиққанини фақат ўтмишдаги қилмиш билан баҳолаш нотўғри, чунки у жамиятга қайта қўшилиши, фойдали фуқаро бўлиши мумкин. Бу жиноятчиликни олдини олишда ҳам муҳим омил.

⁶ Becker, H. S. (1963). *Outsiders: Studies in the Sociology of Deviance*. Free Press.

⁷ The Second Chance Act of 2007. U.S. Department of Justice. — www.justice.gov.

⁸ Bewährungshilfe und Führungsaufsicht. Bundesministerium der Justiz. — www.bmj.de.

⁹ Муромцев С.А. Право и справедливость. — М.: Юрайт, 2015. — С. 225.

¹⁰ Адхамов З. Қадимги таълимотларда илгари судланган шахслар ўртасида яқка тартибдаги профилактикага оид ёндашувлар // Академические исследования в современной науке. — 2025. — Т. 4. — №. 13. — С. 189-193.

б) жамиятнинг барқарор ривожланишига тўсқинлик қилиши, аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётига тўсқинлик қилиши ҳамда ўз навбатида уларнинг мазкур жамиятда ишлашга бўлган иштиёқининг сўниб бориши;

в) жамиятга ва унинг аъзоларига етказилаётган моддий ва маънавий зарарнинг ортиб бораётгани;

г) давлат органларининг нормал фаолият юритишига бўлган тўсиқларнинг пайдо бўлиши, натижада, уларнинг асосий эътибори жамиятни ривожлантириш, хусусан, бозор муносабатларига асосланган демократик ва ҳуқуқий давлат қурилишини шакллантириш эмас, балки, жиноятчиликка қарши курашга эътибор қаратилиши. Рецидив жиноятлар содир этган маҳкумлар орасида анкета сўровлари ўтказилганда уларнинг учдан бир қисми, яъни 33,2 фоизи бўш вақтларини ҳеч ким назорат қилмаганликларини айтганлар¹¹.

Хулоса ўрнида юқорида таъкидланганлардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, илгари судланган шахсларнинг ҳуқуқий мақомини аниқ белгилаш ва судланганликнинг таъсирини чеклаш бўйича қонунчиликда аниқлик киритилиши, судланганлик рецидивнинг ягона кўрсаткичи сифатида қаралмаслиги, хориж тажрибасидаги каби қайта мослашув дастурлари Ўзбекистонда ҳам жорий қилиниши, пробация хизмати доирасини кенгайтириш ва индивидуал профилактика воситаларини кучайтириш, Жамиятда судланганларга нисбатан стигма ва дискриминацияни камайтириш бўйича кенг қамровли маърифий ишлар олиб бориш долзарб масалалардан ҳисобланади. Бундай ҳолат илгари судланган шахсларни ҳуқуқ-атворини жамоатчилик назорати остида тузатиш имконини беради.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси.
2. Ўзбекистон Республикасининг жиноят кодексига шарҳлар, умумий қисм. М.Х.Рустамбаев. Тошкент. "Yuridik amaliyotlar publish" 2021 й. 695-бет.
3. Пўлатов Ю.С., Сатторов Ч.А. Рецидив жиноятчиликка қарши курашда яқка тартибдаги профилактик чораларнинг роли//Хуқуқ-Право-Law. – Тошкент, 2201.-№1.-42 б.
4. Bobojonov A., Juraev S. Reentry and Reintegration Policies in Central Asia. – OSCE Academy, 2021.
5. Валеев Р.Х. Криминология. – Казань: КГУ, 2018.
6. Лунёв М.В. Курс советской криминологии. – М.: Юрид. лит., 1976. – С. 110.
7. Criminal Recidivism: Patterns and Prevention, RAND Corporation, 2020.
8. Муромцев С.А. Право и справедливость. — М.: Юрайт, 2015. – С. 225.
9. Bewährungshilfe und Führungsaufsicht. Bundesministerium der Justiz. — www.bmj.de.
10. Здравомыслов Б.В. Социология личности. — М.: Наука, 1982. – С. 195.
11. The Second Chance Act of 2007. U.S. Department of Justice. – www.justice.gov.
12. Адхамов З. Қадимги таълимотларда илгари судланган шахслар ўртасида яқка тартибдаги профилактикага оид ёндашувлар //Академические исследования в современной науке. – 2025. – Т. 4. – №. 13. – С. 189-193.
13. Адхамов, Зафар. "Қадимги таълимотларда илгари судланган шахслар ўртасида яқка тартибдаги профилактикага оид ёндашувлар." Академические исследования в современной науке 4.13 (2025): 189-193.

¹¹ Пўлатов Ю.С., Сатторов Ч.А. Рецидив жиноятчиликка қарши курашда яқка тартибдаги профилактик чораларнинг роли//Хуқуқ-Право-Law. – Тошкент, 2201.-№1.-42 б.

14. Адхамов, З. (2025). Қадимги таълимотларда илгари судланган шахслар ўртасида яқка тартибдаги профилактикага оид ёндашувлар. Академические исследования в современной науке, 4(13), 189-193.

